

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1153-ҳадис

1153/2664 – عَنْ ابْنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَرَضَهُ يَوْمَ أُحُدٍ، وَهُوَ ابْنُ أَرْبَعَ عَشْرَةَ سَنَةً، فَلَمْ يُجِزِّنِي. ثُمَّ عَرَضَنِي يَوْمَ الْخُندَقِ، وَأَنَا ابْنُ حَمْسَ عَشْرَةَ، فَأَجَازَنِي.

1153.2664. Нофеъ бундай сўзлаб берди:

«Ибн Умар розияллоҳу анҳумо Уҳуд куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ўн тўрт ёшида кўрикдан ўтказганларини сўзлаб, деди: «У зот менга изн бермадилар. Кейин ўн беш ёшимда Хандақ куни мени кўрикдан ўтказиб, ижозат бердилар».

Нофеъ айтади: «Умар ибн Абдулазиз халифа эканида унинг олдига келиб, унга ушбу ҳадисни айтиб бердим. У: «Албатта, кичик билан катта ўртасидаги чегара мана шудир», деди ва омилларига ўн беш ёшга етганларга улуш ажратиш ҳақида мактуб ёзди».

Манба: hadis.islom.uz

